



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!


1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 3 апрель, чоршанба • № 26 (10.801) • Эркин нархда сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН – ВЬЕТНАМ: АЗАЛИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ

Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари қадимий «Ипак йўли» орқали бир-бири билан азалдан ҳамкорлик қилиб келган. Аждодларимиз мерос қолдирган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда ҳам ривож топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ВСР Президенти Ле Дик Ан таклифига биноан жорий йилнинг 27-29 март кунлари Вьетнамга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари ўртасида алоҳида самимият, дўстлик шаклланишини кўрамиз. Вьетнам халқининг мустақилликни сақлаб қолиш ва мамлакатни тиклаш йўлидаги курашида Ўзбекистон халқи кўрсатган бераз ёрдам бу муносабатларнинг мустақамланишида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Вьетнамга иқтисодиётнинг турли соҳалари учун етук малакали кадрлар тайёрлашда кўмаклашгани маълум. Жумладан, мингдан зиёд вьетнамлик талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртида тахсил олдилар. Уларнинг талай қисми Ватанимиз пойтахтида ўз мутахассисликлари бўйича диссертациялар ёқладилар. Шу боис вьетнамликлар Ўзбекистон кўрсатган кўмакни ҳамisha миннатдорлик билан эслайди. Халқимиз ҳам ўз истиқлолини авайлаш учун мардона курашган, унинг озодлигини ҳар нарсадан устун



Кутиб олиш пайти.

Рустам ШАГАЕВ олган сурат (ЎЗА).

кўядиган, меҳнатсевар Вьетнам халқига зўр ҳурмат билан қарайди.

Мана шу самимият ва дўстона муносабат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вьетнам тупроғига расмий ташрифи илк дақиқаларидаёқ сезилди.

28 март куни Ханойдаги муҳташам Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг рафиқасига Вьетнам Соци-

алистик Республикаси Президенти Ле Дик Ан рафиқаси билан пешвоз чиқди. Дийдорлашувдан сўнг Президентлар Вьетнам қуролли кучлари аскарлари саф тортган майдон марказидаги шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Вьетнам давлатлари мадҳиялари янгради. Ўзбекистон раҳбари Вьетнам Президентини ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафи олдидан ўтди. Вьетнам халқи

одатига биноан миллий либосдаги қизлар мўтабар меҳмон пойига гуллар сочдилар.

Маросим тугагач, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Вьетнам Президенти Ле Дик Ан билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон ва Вьетнам давлатлари раҳбарлари икки мамлакат ўртасида шаклланиган дўстона муносабатларни ўзаро манфаатли асосда ривожлантиришни

ёқлаб фикр билдирдилар.

Саройнинг бошқа залида Ўзбекистон ва Вьетнам расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокаралари бошланди.

ВСР Президенти Ле Дик Ан Вьетнам ўз мустақиллигини мустақамлаш йўлида дадил одимлаб бораётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустақамлаш ниятида эканини қайд этди. Дарҳақиқат, Вьетнам Президентининг собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган МДХ мамлакатлари раҳбари орасида биринчи бўлиб Президент Ислам Каримовни ўз мамлакатига расмий сафар қилишга даъват этгани бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистон ва Вьетнам ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имкониятларга эга.

Ўртбошимиз музокаралар чоғида тоғ-кон саноати, нефть ва газ конларини излаб топиш ва қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, халқаро коммуникация тизимларини ривожлантириш каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта эканини таъкидлади. Пахта ниҳти ишлаш, тўқимачилик саноати ҳам ҳамкорлик учун истиқболлидир. Чунки Ўзбекистон жаҳондаги пахта етиштирадиган энг йирик мамлакатлардан бири ҳисобланади. Жаҳон бозорида сотиладиган пахтанинг 20 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЛОЙИҲА ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

ИЛГАРИ газетамизда Тошкент вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телескоп» фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзолангани тўғрисида хабар қилган эдик.

Шартномага кўра ДТС-3100, ДТС-1100 маркали рақамли замонавий автомат телефон станциялари ўрнатилиши керак бўлган Ангрен, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Янгийўл, Паркент, Оққўрғон туманларида тайёргарлик ишлари жадал бормоқда.

Айни пайтда катта аҳамиятга эга бўлган бу тadbирни амалга ошириш борасида лойиҳа ишлари ҳам тезлашмоқда. Ўтган куни вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси биносидан лойиҳаларни тез ва сифатли яратиш ва амалга татбиқ этиш юзасидан иккала томон вакиллари батафсил суҳбатлашиб олдилар.

Сайдвали ҲАСАНОВ.



Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари шу кунларда галлазорларда парвариш ишларини жадал олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Абдухалиқ Бердиев, жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Салим Умароҳунов ва сувчи Шавкат Тўхтабоевлар навбатдаги амалга ошириладиган тadbирлар ҳақида ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Жойида таҳлил этилади, ёрдам кўрсатилади

КЕЙИНГИ пайтларда Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари, мутахассислари шаҳар ва туманларга чиқиб, ўша ҳудудлардаги мавжуд тиббий муаммолар юзасидан йиғилишлар ўтказмоқдалар.

Бундай мулоқотлар чоғида ютуқ ва камчиликлар тўғрисида батафсил гапирлиб, уларни бартараф этиш юзасидан тadbирлар белгилаб олинмоқда. Яқинда ана шундай йиғилиш Зангиота туманида бўлиб ўтди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А. Содиқов бошқар-

ган бу анжуманда туман даволаш муассасалари иши кенг таҳлил этилди. Хусусан, бу ерда жойлашган Тошкент гўшт корхонаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти вазирлигининг тиббиёт санитария қисмлари жамоаларининг аҳоли орасида юқумли касалликларни бартараф этиш, захар-

ланишнинг олди олиш ва бошқа мавзуларда таъсирчан суҳбатлар ўтказиётганликлари қайд қилинди.

Айни пайтда Зангиота, Назарбек, Улугбек қишлоқларидаги амбулаториялар, деярли барча фельдшер-акушерлик пунктлари фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги таъкидланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шариф БЕКМИРЗАЕВ.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ҲАФТАЛИГИ

БЕКОБОДДАГИ Алишер Навоий номли 9-мактабда фан ҳафталикларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолган.

Айни шу кунларда инглиз тили фани ҳафталиги ўтмоқда. Мактабнинг радиоузели орқали инглиз тилида қизиқарли эшиттиришлар олиб

бориляпти. Талабалар ҳам бу ҳафта кунлари давомида бир-бирлари билан иложи бори-ча шу тилда гаплашишга ҳаркат қиладилар. Жаҳон майдонига олиб чиқишнинг муҳим воситаси бўлган бу тилни ўрганишга ўқувчиларда интилиш кучайишига ёрдам беради.

Яқинда рус тили ҳафталиги ҳам ўтказилган эди. Шундай тadbирларнинг бири эса экология мавзусига бағишланди.

Собир ҲАМИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ: АЗАЛИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғри келади. Асосан Ўзбекистондан келтирилаётган пахтага мослашган Вьетнам тўқимачилик саноати халқаро бозорда муваффақият қозонаётгани бу борадаги ҳамкорликни ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишидан дарак беради.

Ўзбекистон раҳбари халқаро соҳада ҳам мамлакатимиз билан Вьетнам умумий манфаатларга эгаллигини қайд этди. Жаҳонда ҳамда минтақаларда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, ҳарбий ихтилофлар, ядро қуролига эга давлатлар сони кўпайишининг олдини олиш, йирик давлатларнинг дунёни қайтадан ўз «таъсир доираси»га бўлишига йўл қўймаслик, жаҳон ҳамжамиятини террорчилик, нарқобизнес, уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликка жалб этиш, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатадиган халқаро ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари нихоясида Президентлар Ислон Каримов ва Ле Дик Ан Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бош вазир ўринбосарлари даражасида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида икки ёқлама солиқ олмаслик ва фойда учун тўланадиган солиқдан бўйин товлашнинг олдини олиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича

Ўзбекистон-Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясини тузиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ташқи ишлар вазирлари эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекдилар. Шу кунги Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Вьетнам ташқи савдо банки ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги шартнома ҳам имзоланди.

Президент Ислон Каримов ташриф чоғида ВСР Бош вазири Во Ван Кьет ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам мулоқотда бўлди. Учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Вьетнамда қабул қилинган ҳужжатлар ўзаро самарали ҳамкорлик учун мустақам ҳуқуқий замин яратиши, улар халқларимизнинг орзуинтилишларига мос бўлиб тушиши таъкидланди.

Биз Вьетнам халқи ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ва мамлакат яхлитлигига эришиш йўлида оғир кулларни бошдан кечирганини, ватанга муҳаббати, эрксеварлиги, собит эътиқоди билан бу мудҳиш кунлардан музаффар чиқганини биланмиз. Ўзбекистон раҳбари 28 март кунги Ханойнинг Марказий майдони яқинида ватани ҳимоя қилаётган жон фидо қилган Номаълум аскар ёдгорлигини зиёрат қилди.

«Биз учун озодлик ва мустақиллик ҳар нарсадан устундир», Вьетнамнинг биринчи Президенти Хо Ши Мин ана шундай деган эди. Юртбошимиз атоқли давлат арбоби Хо Ши Мин мақбараси пойига гулчамбар кўйди.

Кун нихоясида ВСР Президенти Ле Дик Ан Ўзбекистон Президенти ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

Маълумки, Вьетнам бугунги кунда «Иқтисодий янгилаш сийёсатини» амалга ошира бориб, катта ютуқларга эришмоқда. Йилга 9,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришилаётгани, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ҳар йили 20 фоизга ўсаётгани, иқтисодиётдаги ўзлаштирилаётган сармоялар миқдори 7 миллиард долларни ташкил этиши бу муваффақиятларни ўзида ёрқин намоян қилади.

Вьетнам иқтисодиётига фаол сармоя киритаётган давлатлардан бири Жанубий Кореядир. У 856 миллион доллардан зиёд миқдорда сармоя киритиб, бу борада Тайван ва Гонконгдан кейинги ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, Жанубий Корея ишбилармонлари Вьетнам иқтисодий имкониятлари кенглиги, бу ерда хорижлик сармоядорлар учун яхши шaroитлар яратилганидан, арзон ишчи кучи маъжудлигидан омилкорлик билан фойдаланмоқда. Вьетнамлик ҳамкорлар билан «Орион-Ханел» қўшма корхонаси барпо этган «ДЭУ» компаниялар гуруҳи ана шулардан биридир.

«Орион-Ханел» бир-ярим йилдан зиёдроқ муддатда қуриб фойдаланишга топширилди. 170 миллион доллар сармоя сарфланган ушбу корхона айни пайтда йилга рангли ва оқ-қора тасвирли телевизорлар учун 2 миллион 200 минг дона кинопленка ва монитор ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон раҳбари Вьетнам-Корея «Орион-Ханел» қўшма корхонаси фаолияти билан танишар экан,

Жанубий корейлик ишбилармонлари Ўзбекистондаги шу соҳага ихтисослашган корхоналар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишга даъват этди. Президентимизнинг бу таклифи ҳамда Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар беш йилгача барча солиқлардан озод қилиниши ҳақидаги маълумот ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

Президент Ислон Каримов ВСР пойтахтидаги ҳукумат меҳмонхонаси мажлислар залида Вьетнам савдо-саноат палатаси вакиллари ва ишбилармонлари билан учрашув чоғида уларга мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари ва хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шaroитлар ҳақида янада кенг маълумот берди. Тадбиркорлар ишонч билан сармоя сарфлаши мумкин бўлган соҳаларни таъкидлади. Юртбошимиз вьетнамлик ишбилармонларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон виза масалаларини осон ҳал қилиш мақсадида Ханойда консулхона очиш ниятида эканини айтди.

Тадбиркорлар юк ташиш учун қандай алоқа тармоқлари афзаллиги билан қизиқдилар. Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳаво йўли очиш тўғрисида битим имзоланганини, йўловчилар, сайёҳлар, тадбиркорлар ҳоши билдирган кунги самолётлар парвозни бошлаши мумкинлигини маълум қилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар Россиянинг Находка, Эроннинг Бандари Аббос бандароҳлари орқали юк ташиш имкониятига эгалар. Хитой, Қозоғистон, Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасида те-

мир йўлдан фойдаланиш ҳақида битим имзоланганидан сўнг, бу мамлакатлар орқали товарлар ташиш энг мақбул йўл бўлади.

Ташриф нихоялаб бормоқда эди. 29 март кунги Президент саройида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Вьетнам Президенти Ле Дик Ан яна бир бор мулоқотда бўлдилар. Ушбу учрашув чоғида Ўзбекистон раҳбарининг Вьетнамга расмий ташрифи самарали бўлгани, бу ерда имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари ўртасидаги азалий биродарликни, ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Президент Ислон Каримов ВСР Президентини Ўзбекистонга расмий ташриф буюришга таклиф қилди. Бу таклиф Президент Ле Дик Ан томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Шундан сўнг Вьетнам Президенти Ле Дик Ан ва унинг рафиқаси Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва унинг рафиқаси билан хайрлашди. Президент саройида Ўзбекистон раҳбарини кузатиш маросими бўлди.

Шунинг билан Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ханойга ташрифи нихоясига этди. Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбарига республика Бош вазири ўринбосари В. Чжен, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э.Фаниев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Амиркул КАРИМ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент — Ханой — Тошкент.

Мустақилликдан асло воз кечмаймиз

«Интеграция» деганлари агар ростдан ҳам умумтараққиёт йўлида куч ва имкониятларни бирлаштиришни назарда тутса, агар ростдан ҳам халқлар ўртасидаги беғараз дўстликни, сийёсат ва ҳарбий жабҳаларни соқит қилган ҳолда, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги чинакам ҳамкорликни англатса — бунинг нимаси ёмон? Ахир, ўзимиз дунё ҳамжамиятига қўшилиш ниятида бундай ҳамкорликка доир барча тақдирларга тайёр эканлигимизни маълум қилиб дарвозаларимизни кенг очиб қўйдик-ку!

Аммо дўстлик, ҳамкорлик деганлари ўзаро ишонч, самимиёт бор жойдагина қарор топади. Эсланг, шўро ҳокимиятини ўрнатиш даврида нималар ваъда қилинган эди: миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, иттифоқдош республикаларнинг эркин ажралиб чиқиш ҳуқуқи, ҳатто, «мутаассиб» Туркистон халқларини эгиб олиш мақсадида ҳушомадига даҳрий Ленин масжиду мадрасаларни ҳам очиб берган эди. Оқибат нима бўлди, хўш? Шулардан бирортаси амалга ошди-ми? Инсофи бор одам чиқиб айтсин? Лекин, маслаҳатимиз шуки, «Қизил қомус»га муҳрланган ана ўша ҳуқуқларни сўраб бош кўтарганларнинг боши кетганини, мудҳиш қатағону қиргинларни ҳам ёддан чиқармасин!

Гоҳо ўша давр, ўша сийёсатни ёқлаб, унинг ҳукм фармонларини эса қоралаш одат тусига кирган, яъни компартия ўзи-ку ёмонмасди-я, унинг бошида турганлар чатоқ эди-да... Ия, етмиш тўрт йил ер қуррасининг олтидан бир қисмига хўжайинлик қилган дохийлар орасида, нахотки, бирорта тузукроғи бўлмас? Унда... Унда айбни муайян шахслардангина эмас, мавжуд тузумдан, мавжуд мафкурадан қидирмоқ тўғрироқдир? Агар боз кўнглимиз тўлмаска, бунга ишонмасак, устига қат-қат таъқиқ тошлари қалаб қўйилган холис тарихни очиб, бир қарра ҳафсала билан ўқиб кўрайлик!

Яширмоқдан не фойда, ҳамон орамизда йигирма копейкалик картошкани икки рублик «яна» гўшти кўмсаб уйқуси келмай юрганлар топилади. Хомтама бўлмайлик, биродарлар, келажак насллар ризқидан уриш, текин иш-

чи кучию юрт бойликларини бебилиска пуллаш эвазига келган у «неъматлар» энди йўқ, «энг инсонпарвар тузум»нинг афзаллиги сифатида жаҳонга кўз-кўз этиш учингина «сахналаштирилган» у арзончиликларнинг миси чиқиб бўлди. Президентимиз ўхшатиб айтганидек, «Еврон шўрва барчага баробар тортилдиган қуроқ дастурхон» аллақачон йиғиштириб олинган — тўйиб бўлганми? Мана, беш йилдики, ўша исқотдан халос бўлолмай оворамиз.

Бироқ ҳануз унинг таъми биров-

«ҚУРОҚ ДАСТУРХОН»ГА ТАКЛИФ ЁХУД БИРОВНИНГ БЕРГАНИ ОШ БЎЛМАС

ларни тамшантириб келаётгани таажублидир. Акс ҳолда, тўрт оғайни қайтадан бирлашиб, қайтадан дастурхон ёзиб, аллақачон рўзгорни бўлақлаб кетганларни ҳам унга таклиф қилармиди? Ахир, кечагина биздан безор эдилар-ку! Ажралиб кетса кетсин, мустақил бўлгиси келса бўлсин, деган ким? Булар бўйинимизга осилган дардисар бир тўрва, бой-бадалат Россия ҳисобидан кун кўриб юрган текинхўрлар, дея ҳақорат қилган ким? Энди, ички муаммолари жунбуш уриб, дўппи тор келганда бу ўйинларга бошқаларни жалб қилмоққа уриниш, сирдан жозибали таклифлару оламни донг қолдирган бирёклама қарорлар билан чиқиш, аяброқ айтганда — андишасизлик, дангалига кўчсак — гирромлик эмасми?! Мана, кимнинг кимга кераклиги, кимнинг кимга муҳтожлиги аён бўлди-қолди!

Майли, ҳар кимнинг ўз йўли, ўз аъмоли. Биров бировга андоза бўлолмайди. Кимгадир шу ўйинлар хуш келибдими, омадини берсин. Танги, бағри кенг халқимиз тоғиб айтган:

«Бир-бирига кўнгли бўлса, кўяверинг ўйнасин». Биз эса йўл бошидаёқ манзилимизни тайин белгилаб олганмиз. Бу борада эришган ютуқ ва камчиликларимиз ҳам жумлаи жаҳонга маълум. Бу — мустақиллик йўли, ўзаро манфаатли, тенгма-тенг ҳамкорлик йўлидир. Бу йўлдан тойиш йўқ!

«Агар биз чинакам демократик давлатлар бўлганимизда, эҳтимол, шундай яқинлашувга имкон туғиларди. Ҳозирги вазиятда эса бу бир умумий давлат эмас, умумий қабристон бўлади».

Машҳур Белорус адаби Василя Биков бизнинг ҳам кўнглимиздагини топиб ифодалади, барака топсин!

... Дарвоқе, мен бу гапларни кимга айтаяпман, нимага айтаяпман? Россия давлат Думасининг хайратомуз қарорига нисбатан мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов ҳамда Олий Мажлисимиз томонидан расман муносабат билдирди. Қолаверса, у бошқа бир давлат, бошқа бир мамлакат бўлса, бизга нима дахли бор?

Йўқ? Бу гаплар аввало ўзимга, ўзим каби ватандошларимга қарата айтилаётир. Жаҳонда шовшув кўзгаган бу қарор, москвалик ҳамкасбларимиз шарҳлаётганидек, яхши ўйланмай, энгилтаклик билан чиқарилган шунчаки қоғоз эмас. У нихоятда пухта ўйланган. «Минг бир фириб» китобидан андоза олиб битилган ҳужжат! Айнан шундай эканини кейинги баёнотлару тўрт томонлама битимномалар ошқор қилиб қўйди. Бинобарин, мустақил ватан фуқаросиман деган одамнинг бу сингари ходисаларга бефарқ қарамоғи норавадир. Биз ўзимиз танлаган йўлга собитлигимизни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Бировнинг бергани ош бўлмас, дейдилар.

Зотан, бировнинг ошига зорлигимиз ҳам йўқ!

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутаты.
(ЎЗА).

УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ НОМИДАН ГАПИРАМАН

ХУРРИЯТГА юз тутган, ўз эркини энди ўзи яратган, тараққиёт бора-сида ҳам ўзига ҳос йўл танлаб, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилиб бораётган мустақил Ўзбекистон халқи учун Россия Федерациясини Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Совет Иттифоқини тиклашга қаратилган қарори ёқа ушлайдиган даражада ажабланарли бўлди, десам муболага бўлмас.

Бу қарор моҳияти жиҳатидан истиклол шамолидан баҳра олган халқларни яна марказга қарамлик, ҳуқуқий, маънавий мажрухлик гирдобига тортиш руҳи билан йўғрилганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Халқимизда «Оғзи куйган одам қатқни ҳам пуфлаб ичади», деган бир нақл бор. Россиянинг янги қақирқ Давлат Думаси аъзоларига «Биз энди тақдиримизнинг яна ўшандай аянчли кунларга тушиб қолишни истамаймиз», демокчиман.

Президентимиз Ислон Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида Россия Давлат Думаси қарорининг туб мазмунини батафсил изоҳлаб бердилар. Чиндан ҳам юртбошимиз таъкидлаганларидек, Дума мазкур ҳужжатини собиқ СССР республикалари халқларининг яна бирлашишга умумий истаги деб қўрсатиб, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқмоқда. Ахир Россия, Украина, Беларус давлатлари Беловеж битимининг анча аввал мустақил давлатга айланиб, ҳамдўстлик мамлакатлари сафига

қўшилган бизнинг мамлакатимизга қандай дахли бор!

Университетимиз жамоаси Президентимизнинг мазкур сессиядаги нутқини чуқур ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг баёнотидаги газеталардан ўқиб, шунингдек юртбошимизнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги муҳбири билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жарёнлари ривожига доир саволларига жавоблари билан батафсил танишиб ягона хулосага келдилар: ота-боболаримизнинг асрий орузи бўлган мустақиллигимизнинг биз учун моҳияти ва қадри буюқ!

Ҳамдўстлик мамлакатларидаги интеграция жараёнларини чуқур таҳлил қилар эканлар «...давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро, қўшма тузилмаларни ташкил этиш... иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир», дедилар Президентимиз.

Худди шундай. Университетимиз жамоатчилиги юртбошимизнинг бу гапларига тамомилан қўшилгани ҳолда, мамлакатимизда олиб борилаётган сийёсатни яқдиллик билан қўлаб-қувватламоқдалар.

Юқорида баён этган фикрларим фақат менинг фикрларимгина эмас, бутун университетимиз жамоатчилигининг ҳам фикридир.

Адиба АҲМАДЖОНОВА,
Тошкент давлат аграр университети проректори.

КАТТАБОҒДА НАВРЎЗ ОҚШОМИ...

ЎТТАН шанба Наврўзи олам ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий, ўзбек драматургиясининг отахонларидан бири бўлган Фулом Зафарий таваллуд топган маскан — пойтахтимиздаги Каттабоғ маҳалласига ҳам ташриф буюрди.

Маҳалла аҳли улуг айём — Наврўзини муносиб кутиб олиш ишига фаоллардан Раҳим ота Халилов, Зоҳид Мўминов, Мираҳмад Мирхалиловларни жалб этди. Улар маҳалла кўчаларига юзлаб мевали ва манзарали кўчатлар экишда ёшларга бошчилик қилишди. Ариқлар тозаланди. Эшонгузар жоме масжиди, новвойхона, саратраршона атрофлари ва бошқа жойлар тартибга келтирилди. Шанба тонгида маҳалла клубида юртга ош тортилди. Ўтганлар руҳи тиловат билан ёдга олинди. Кўшик ва куйлар айёмга файз киритди. Байрам шодиёнасини ўтказишда маҳалла оқсоқоли Эркин ака Шоиқматиллаев, фаоллардан Ислон хўжа Носирхўжаев, Раҳим ота Халилов ҳамда Зоҳид Мўминовларнинг хизматлари катта бўлди.

Забихулло ЖУРАЕВ,

Меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҚАРОРЛАР САМАРАСИ — ИЖРОГА БОҒЛИҚ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида 1995 йилдаги иш якунлари ҳамда 1996 йил вазифалари муҳокама қилинди

ҲАЙЪАТ мажлисида маъруза қилган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев шу қўмита, жамоат ва илмий-техника кенгашлари, қўмитанинг махсус инспекциялари, ҳудудий, туман қўмиталари, жамоатчи нозирлар, табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғарманинг ўтган йилги ишлари, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни батафсил таҳлил қилди.

Корхоналар ва бошқа атроф-муҳитни ифлос қилувчи манбалар фаолияти устидан назоратни кучайтириш ҳамда унинг айбдорларига нисбатан кескин чоралар кўриш натижасида вилоят атмосферасига зарарли моддаларни тарқатиш анча камайди. Бу бир йилда 18 минг тоннани ташкил этди. Ҳисобот даврида 630 та корхонада табиатни муҳофаза қилиш фаолияти текширилди. Жами ҳавони ифлос қилувчи 12,5 мингтага яқин манба, чунончи 1300 та газ тозалаш қурилмаларининг иши тадқиқот қилинди. Уларда қонун-қоидаларга амал қилмаслик ҳоллари аниқланди. Уларни бартараф этиш учун 2300 га яқин кўрсатмалар берилди, 70 фоизи ҳозиргача амалга оширилди. Қолганларининг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Шундай номзатқулчиликларга йўл қўйишда айбдор бўлган 174 нафар мансабдор шахсга 66 минг сўм жарима солинди. Айни вақтда турли агрегатлар, цехлар, корхоналарнинг ишини тўхтатиб қўйиш учун 28 та қарор чиқарилди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ишлар Ангрен минтақасида, Бекобод, Янгийўл ҳудудий қўмиталарида анча самарали олиб борилди. Куйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Вилоятда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш доим назорат остида сақланмоқда. Бу соҳада Чирчиқ дарёси бўйича ташкил этилган тезкор гуруҳнинг фаолияти кўнгилдагидек бўлмоқда. Гуруҳ аъзолари ўтган йили мингтага яқин текшириш ўтказди. Сувдан фойдаланиш қонунчилигини бузиш ҳоллари бўйича кўплаб баённомалар тузилди, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бердилар. Сув ресурсларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйгани учун 167 мансабдор шахс 46 минг сўмдан ортиқроқ жарима билан жазоланди. Айрим корхоналар ва участкалар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор чиқарилди.

Ўтган йили ҳаммаси бўлиб сувдан махсус фойдаланиш учун корхоналар ва ташкилотларга 200 дан ортиқ рўхсатнома берилди. Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Куйичирчиқ, Паркент, Зангиота туманларида сув ресурсларидан фойда-

ланиш бўйича меърий ва рўхсат берувчи ҳужжатлар тўла расмийлаштирилди.

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Улар йил давомида текширув ишларини бирор кун ҳам тўхтатишмади. Шу туфайли жуда кўп текширувлар ўтказилди ва ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсига зарар келтиришда айбдор бўлган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. Уларга нисбатан ҳаммаси бўлиб деярли 130 минг сўмлик даво билан чиқилди, учта ўқ отиш қуроли, 34 та балиқ овлаш тўрлари мусодара қилинди.

Бу соҳа назоратчиларининг саъй-ҳаракатлари билан янги-янги дарахтзорлар барпо этилмоқда. Биргина ўтган йили 120 гектардан ортиқ шундай сунъий ўрмонлар барпо этилди. 2500 гектардан ортиқ майдонда ўсимликларни химоя қилишнинг биологик усули жорий қилинди. Жониворларни қиш даврида муҳофаза қилишга қаратилган қатор биотехник тадбирлар амалга оширилди.

Вилоятимизда ернинг ҳолатини яхшилашга эътибор кучайганлиги мамнуният билан таъкидланди. Ҳисобот даврида ер ресурсларини химоя қилиш ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, минерал ўғитлари ва захарли қиммевий моддаларни қўллаш, сақлаш ва ташиш, бузилган ерларни тиклаш масалалари бўйича бир минг бир юздан ортиқ текширув ўтказилди. Унинг натижасида қатор камчиликлар аниқланди. Уларнинг айбдорларига нисбатан 62 минг сўмликдан кўпроқ жарима солинди. Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонунини қўпол равишда бузганлиги учун 26 та ташкилот ва корхонанинг фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Қатор ташкилотлар ва ҳўжаликлар ўз маблағлари ҳисобига тупроқнинг ҳосилдорлигини тиклаш, янги ерларни ўзлаштириш ишларини амалга оширишди. Масалан, Тошкент туманида агротехника тадбирларини қўллаш ҳисобига эрозияга учраган 1626 гектар ер тикланди. Паркент туманидаги 4 та ҳўжаликда 21 гектар ботқоқ ерлардан қайта фойдаланиш йўлга қўйилди. «Халқобод», «Янгийўл» агрофирмалари бўлиналарида 855 гектар майдонга мевали дарахтлар экилди.

Лекин, табиатни муҳофаза қилишда эришилган бундай ижобий натижаларга қарамай катта камчилик-


лар ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ҳамма жойда атмосферани мусалффо сақлаш, сувни ифлос қилмаслик, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришилганича йўқ. Атроф-муҳитни ифлосланттирувчи манбалар ҳали ҳам ниҳоятда кўп. Шу туфайли табиатни муҳофаза қилиш соҳасида янада салмоқлироқ ютуқларга эришиш мумкин бўлмапти.

Айниқса, йирик саноат корхоналари ҳамон атроф муҳитни ифлосланттирувчи манбалар бўлиб қолмоқда. Оқибатда деярли барча шахарларда, қатор туманларда атмосферани ифлосланттириш даражаси меърагидан ошиқ бўлапти. Иккиламчи олтингугурт, азот, аммиак ва бошқа шу каби захарли моддалар ҳамон кўп тарқатилмоқда. Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ҳам талабга жавоб бермайди. Айниқса, йирик чорвачилик мажмуаларидаги тозалаш иншоотлари эскириб қолди, уларни қайта қуриш ҳеч қимнинг эсига келмаяпти. Бунинг оқибатида бундай мажмуалар атроф-муҳитни ифлосланттиришни давом эттирапти. Улардан оқиб чиқаётган ифлос оқаваларнинг ҳажми 7 миллион куб метрни ташкил қилмоқда. Вилоятдаги 10 та асосий паррандачилик фабрикаларида ҳам шундай аҳвол ҳукм сурапти. Айниқса, луб заводларида ишлашган сувни тозалаш қоникарсиз ахволда. Бунинг оқибатида ҳар йили 10 миллион куб метр оби-ҳаёт етарли тозаланмасдан сув ҳавзаларига оқизиб юборилмоқда. «Ўзгўштсусаноат» объектларида ҳам экологик аҳвол ниҳоятда мураккаблигича қолмоқда.

Шуниси ачинарлики, вилоятдаги 200 та даволаш-тиббёт муассасаларининг фақат 30 тасида канализация тармоқлари ҳамда тозалаш иншоотлари бор. Шундай камчиликлар оқибатида ўтган йили ифлос оқаваларни оқизган ҳажми 31 миллион куб метрга кўпайиб кетди.

Ердан фойдаланишда ҳам катта нуқсонлар содир бўлмоқда. Кейинги йилларда вилоятнинг фермер ва деҳқон ҳўжаликларига салкам йигирма етти минг гектар ер ажратиб берилган эди. Унинг 2 минг гектаридан фойдаланишга ҳўжасизларча муносабатда бўлинди, натижада бу ерлар олдинги соҳибларига қайтариб берилди. Вилоятдаги қатор туманларда шўр ерлар кенгайиб борапти. Маъданли ўғитлардан фойдаланиш ҳам режада назарда тутилганидан ортиқ бўлмоқда.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, камчиликларни бартараф этишга ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ишларини жонланттиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.



«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида экологик аҳволни яхшилашга ҳар йили кўплаб маблағ сарфланмоқда. Ҳозир корхонада оқаваларни тозалаш иншоотлари қурилиши жадал олиб бориляпти.

В. ГРАНКИН суратга олган.

ЖОНКУЯРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кўрик комиссияси табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий, туман қўмиталари, давлат нозирлари, жамоатчи нозирлар, шунингдек меҳнат жамоалари масъул мутахассислари табиатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятининг 1995 йил якунларини кўриб чиқди ҳамда голибларни аниқлади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий қўмиталар орасида биринчи ўрин Бекобод қўмитасига (раиси И. И. Раҳматов) берилди. Ангрен, Олмалик ва Чирчиқ ҳудудий қўмиталарнинг яхши ишлаганлиги қайд этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича туман қўмиталари ўртасида биринчи ўрин Чиноз тумани қўмитасига (раиси У. Саидов)га насиб этди. Куйичирчиқ ва Юқоричирчиқ туман қўмиталарининг яхши ишлаганлиги қайд этилди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича давлат нозир Т. Когдась (Ангрен) ва катта давлат нозир Т. Орифонов (Куйичирчиқ) голиблар деб тан олинди. Давлат нозирларидан Б. Бозорбоев (Бекобод), Г. Аседова (Янгийўл), М. Ҳолиқова (Бўка) ҳамда катта давлат нозир Д. Қаҳҳоров (Ўртачирчиқ)ларнинг яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Давлат нозир А. Миралов (Ангрен), М. Миртурсунов (Паркент)лар ер ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича юксак самарага эришдилар. Давлат нозирлари К. Мавлонов (Бекобод), А. Айтматов (Олмалик), И. Аҳмедов (Бўстонлик) ва Х. Курбанов (Бўка)ларнинг яхши ишлаганлиги қайд қилинди. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича давлат нозирлари Х. Умаров (Олмалик), С. Идрисхўжасев (Оққўрғон)лар голиблар деб топилди. Давлат нозирларидан А. Рустамов (Бекобод), Т. Абдуваҳобов (Бўстонлик), И. Қорабоев (Оҳангарон)ларнинг яхши ишлаганлиги қўрсатиб ўтилди.

Ишда юксак кўрсаткичларга эришганликлари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишига катта шахсий ҳисса қўшганликлари учун маҳаллий қўмиталар раислари И. Раҳматуллаев, У. Саидов, Т. Орифонов, давлат нозирлари А. Миралов, А. Гаитов, Т. Когдась, Х. Умаров, М. Миртурсунов, С. Идрисхўжасевлар вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Табиатни муҳофаза қилиш ишида фаол қатнашганлиги учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бир гуруҳ жамоатчи нозирлари, шу жумладан жамоатчилик кенгашининг раиси С. Алимўхамедов, Қибрай «Чернобиль» жамиятининг раиси А. Аъзамов, жамоатчи нозирлар А. Емцов, Ж. Ли (Ўртачирчиқ тумани), А. Хусанхонов (Оҳангарон шаҳри), М. Фаниев (Бекобод шаҳри), Х. Бектурганов (Ангрен шаҳри)ларга пул мукофоти берилди.

Мукофотланганлар орасида Ўртачирчиқ ГЭСи директори Т. Муҳаммадаюпов, Олмалик кон-металлургия комбинати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи О. Машенко, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари В. Ермолаева, Оҳангарон темир-бетон буюмлари заводининг муҳандис-эколог З. Бакирова, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси С. Редькина, Қибрай сув ажраттич иншоотлари кимё лабораторияси бошлиғи В. Анкиловлар ҳам бор!



Паркент кўркига нутур етмасин

ИККИ КОРХОНАДА
ИККИ ХИЛ АҲВОЛ

АНИҚЛАНГАН камчиликларни тан олиш яхши, лекин, бу кифоя эмас. Ҳамма гап уларни бартараф этишда қолган. Шунинг учун ҳам Оҳангарон ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларда ўтказган текширишлари натижасида аниқланган камчиликлар қандай бартараф этилаётганлигини доим назорат қилиб боради, қайта текширишлар ўтказиши, ўз кўрсатмаларининг бажарилиши билан қизиқади.

Яқинда яна бир ижрони текшириш тадбири ўтказилди. Бу гал атроф-муҳитни энг кўп даражада ифлослантирувчи манбалардан ҳисобланган «Оҳангаронмармар» корхонаси ҳамда «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти танланди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Утган йили бу корхоналардаги экологик аҳвол ўрганилганда унда катта камчиликлар борлиги аниқланган эди. Бу нуқсонларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар, баённомалар берилган эди. Унинг бажарилиши текшириб кўрилганда икки корхонада бу муҳим ишга икки хил ёндошилганлиги маълум бўлди.

Оҳангарон мармар корхонаси раҳбарлиги кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга тўла масъулият билан муносабатда бўлган. Деярли барча нуқсонларни йўқотишга эришганлигидан табиатни муҳофаза қилиш нозирлари мамнун бўлишди. «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятида эса бунга тамомла тескари аҳволга дуч келдилар. Ҳа, улар бирини кўриб қувондилар, иккинчисидан эса ранжидилар.

Мармарга сайқал берувчилар ўз ваъдаларини тўла уйдасидан чиқдилар. Бунинг учун сарф-харажатлардан қочмадилар. Барча тиндиргичлар ва ирригация тарновларини турли-туман чиқиндилардан тозаладилар. Бу билан оқаваларнинг теварак-атрофга ёйилиб кетиши, корхона ҳудудини ифлос қилиши барҳам топди.

Корхонада ҳатто ариқ сувининг ортиқча исроф бўлишининг олдини олишга эришилди. Илгари бунга ҳеч қандай эътибор берилмас эди. Бу масалага тежамкорлик билан ёндошиш ҳар йили ўнларча минг куб метр об-ҳаётни иқтисод қилиш имконини бермоқда.

Бир вақтлар ишлаб чиқариш чиқиндилари корхона ҳудудига уюлиб ётарди, қайта ишлаш билан шуғулланилмас эди. Бу табиатни муҳофаза қилиш нозирлари эътиборидан четда қолмади. Улар чиқиндилардан ҳам фойдаланишни талаб қилдилар, бунинг учун барча имконият борлигини тушунтирдилар. Уларнинг шундай сазй-ҳаракатлари билан тўлланиб ётадиган мармар парчаларини қайта ишлаш ўзлаштирилди. Шу асосда гранит ва мармар майдаси тайёрлана бошланди. Бу, биринчидан, экологик аҳволни яхшилашга олиб келган бўлса, иккинчидан корхонага мўмайгина даромад ҳам келтирмоқда. Унинг харидорлари эса кўпайгандан кўпайиб борапти. Корхонанинг ички ҳудуди тўла асфальтланди.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўнгулдагидек бўлмаса ҳам маъмурият кўл қовуштириб ўтирмасдан имкон кидирмоқда. Кидирган эса албатта уни топади. Шу туфайли атроф-муҳитга чиқиндилар чиқариш меърини ишлаб чиқиш учун ҳам маблағ топилди. Ҳозирги вақтда бу муҳим иш ниҳоясига етказилмоқда. Корхонада тегишли экологик

меёрларга тўла эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак, албатта. Энг муҳими бу ҳаётий масалага эътибор етарли берилганидандир.

Оҳангарон цемент акциядорлик жамиятида эса тамомла бошқа манзарани кўрасиз. Бу ерда олдинги текширишларда аниқланган ва бартараф этилиши тавсия этилган камчиликларнинг аксарияти билан шуғулланишга вақт ҳам, маблағ ҳам топилмаганга ўхшайди. Ваҳоланки корхонанинг имкониятлари ҳар томонлама етарли, ҳамма гап ҳафсаласизликда қолган.

Корхонада клинкер сақланадиган омбор бўлиб, унинг ҳимоя деворлари йўқ эди. Табиатни муҳофаза қилиш туман кўмитаси ходимлари шундай деворларни қуришни тавсия этишган эди. Чунки, унинг бўлмаглиги бу хом ашёнинг атрофга тарқалишига олиб келаётган эди. Бу тадбирни амалга оширишга лоқайд муносабатда бўлингани учун ҳам девор кўтарилмади, бунинг асосий айбдори деб топилган корхона бош муҳандиси Т. Қосимбеков 1250 сўм жарима билан жазоланди.

Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси корхонага Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш учун рухсат берган эди. Бироқ битта шарт ҳам қўйилган эди, ўшанда. Электр филтърларининг тозалаш самарасини 95 фоизгача етказиш ҳамда оғир металллар зарраларининг тарқалиши устидан назорат ўрнатиш лозимлиги қайд қилинган эди. Бироқ бу талаб ҳам бажарилмади. Бу ишга совуққонлик билан муносабатда бўлган корхона ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи В. Бородин ҳам жазосиз қолмади. У ўз ҳамёнидан 1250 сўм тўлашга мажбур бўлди.

Қозонхона ҳудудига доим ахлат уюмлари тўпнаниб ётади. Бу атроф-муҳитга салбий таъсир қилмоқда. Шамол, ёғингарчилик оқибатида атрофга тарқалиб уни ифлослантирмоқда. Бундай ҳолнинг олдини олиш ҳақида бир неча бор айтилди. Қозонхона бошлиғи Б. Эргашев эса ҳар доим ваъда беришдан нарига ўтмади. Кутавериш тоқати тоқ бўлган табиатни муҳофаза қилиш нозирлари уни моддий жазолашга мажбур бўлдилар. Бошлиқ 750 сўм жарима тўлади. Бош диспетчернинг эса бундан ҳам кўпроқ маблағи — 1250 сўмни ўз ёнидан ажратишдан бошқа иложи қолмади.

Албатта, жарима ундириш мақсад эмас. Мақсад экологик аҳволнинг яхши бўлишига эришиш. Бу, аввало, шу корхонада ишловчиларнинг саломатлиги учун зарур. Бу оддий ҳақиқат ҳаммага маълум. Бунинг учун лоқайдлик гирдобидан қутулиб, озроқ ҳафсала бўлса етарли. Цемент корхонаси раҳбарларида худди шу ҳафсала бироз етишмаяпти. Бу афсусланарлидир.

Мирсобир МИРХАМИДОВ.



Ушбу суратда сиз кўриб турган М. Мавлонов насос станцияси машинистлиги касбини пухта эгаллаган. У ўзи бошқараётган насослар билан Бекобод металлургия корхонаси эҳтиёжи учун оби-ҳаёт етказиб бермоқда. Агар у рақамларда миллионларча куб метрни ташкил этишини ҳисобга олсак М. Мавлоновнинг вазифаси машаққатли ва шарафли эканлиги янада тўлароқ намоён бўлади.

В. ГРАНКИН суратга олган.

ХИЗИРНИНГ НАЗАРИ
ТУШГАН...

ПАРКЕНТ... Бу атамани тилга олишнинг ўзи ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро қалбига қандайдир ийлиқлик бахш этади. У ўзининг қадимий тарихи билан ҳам, гўзал табиати билан ҳам эл оғзига тушган муқаддас жой. Ҳавосининг мусаффолиги, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб туради. Шундай гўзал жойни доим табиий ҳолда сақлаш, унинг ифлосланишига минг бор йўл қўймаслик зарур.

Шундай муқаддас ва шарафли ишга муносиб хисса қўшишга даъват этилган кўмитамиз нозирлари туманда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича назорат олиб борар эканлар, бу соҳада қонунларни бузувчиларга нисбатан муросасиз курашмоқдалар, қатъий чоралар кўрдилар. Уларнинг яқиндан берган ёрдами билан корхона ва хўжаликларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича йиллик ва истиқболли ташкилий-техникавий тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Худуддаги 12 та корхонада атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқарувчи манбаларни аниқлаш, зарарли моддалар чиқариш меёрларини ишлаб чиқиш, бунинг учун махсус рухсатномалар олиш каби ишларни амалга ошириш билан узлуксиз шуғулланилди. Бу эса шу корхоналарда атроф-муҳитга қайси иш жараёнида қандай зарарли моддалар чиқиши ва уларни қайси йўл билан камайтириш, умуман бартараф этиш чораларини аниқлаб, тадбирлар ишлаб чиқилишига олиб келди. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Паркент гишт заводи, Паркент газ идораси, «Паркент сув қурилиш» трестининг 5-кўчма жамлама-сида ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ўтган йили анча камайди.

Хўжаликларда ичимлик ва сўғориш учун сарфланадиган сув миқдори ҳисоблаб чиқилиб, уни ишлатиш учун махсус рухсатнома берилди. Сўғориш учун ишлатиладиган сувга ҳам қатор талаблар қўйилгани ва улар бажарилиши аниқ бўлганидан сўнггина туман сув хўжалиги билан келишилган ҳолда рухсат берилди. Бу ҳам ўз навбатида сувдан тежаб фойдаланиш, беҳуда оқизиши барҳам топишига олиб келди.

Туманимизда маиший, савдо ва кичик саноат корхоналари кўплаб ташкил топмоқда. Уларнинг бирортаси ҳам экологик экспертизадан ўтмай қолишининг олдини олиш учун назорат қўйилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси экспертиза бўлимининг ҳулосаси ва рухсати бўлмаган бундай корхоналарнинг барпо этилишига йўл қўйилмади. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси экспертизадан ўтди.

Кўмитамиз туман прокурорлиги, санитария-эпидемиология станцияси, Чоққол кўрикхонаси назоратчилари билан биргаликда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида»-ги Қонунининг бажарилиши бўйича мажмуий текшириш ўтказди. Шу ҳудудларда жойлашган корхоналар, хўжаликлар, дам олиш оромгоҳларида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши текширилиб, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Табиат муҳофазаси ҳақидаги қонун-қоидаларни кўпол равишда бузган айрим мансабдор шахслар туман прокуратураси қарорига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Туманимиз табиатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа ишлар ҳам амалга оширилди. Бу йил эса олдимизда янада каттароқ вазифалар турипти. Уларни ууддалаш эса ҳар бир нозирдан бутун билими, тажрибаси ва маҳоратини сарфлаб ишлашни талаб этади. Паркентга хизирнинг назари тушган дейишади. Шундай муқаддас манзил доим мусаффо бўлиши лозим.

Р. САРБОВЕВ,

Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.

Халқаро анжуман

ТАБИАТГА
МЕҲР
УЙФОТИБ...

«ЁШЛАРНИ экологик тарбиялаш муаммолари» деб аталган халқаро илмий-услубий конференция шу мавзуга бағишланди. Конференцияни «ЭКОСАН» жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда конференция ҳомийси бўлган Ўзбекистон — Туркия тадбиркорлари уюшмаси ташкил этди.

Конференция Сергели туманидаги лицейда бошланди. «ЭКОСАН» жамғармаси президенти профессор Ю. Шодиметов йиғилишни очар экан, ёшларни экологик тарбиялаш, уларни табиат қонунларидан ҳар томонлама хабардор қилиш ва унинг бойликларини сақлаш шартлари билан таништириш республикадаги қўл-гина ташкилотларнинг муштарак иши бўлиб қолганлигини таъкидлади. У жамғарма табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, республиканинг илмий марказлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганини, шунингдек, жамғармага Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Эрдуган Айтун ҳамда Жамол Хамартурк бошчилигидаги Ўзбекистон-Туркия тадбиркорлари уюшмаси фаол ёрдам бераётганлиги ҳақида гапирди.

Конференция катта қизиқиш уйғотди. Унга тайёргарлик давомида «ЭКОСАН» жамғармасига 60 дан ортиқ маърузалар, мақолалар тушди. Уларнинг энг яхшилари конференция дастурига киритилди. Республика Халқ таълими вазирлиги Ж. Йўлдошев сўзга чиқиб, ўсиб келаётган авлодни экологик тарбиялаш ва таълим бериш шакллари ҳамда усуллари ҳақида тўхталди. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси Т. Эргашев экологларнинг мактаблар ҳамда болалар боғчалари жамоалари билан ҳамкорлиги тўғрисида ахборот берди. Профессорлардан Э. Турдикулов, Т. Раҳимов ва бошқа номиқларнинг сўзларида ҳам қимматли ахборотлар баён этилди.

Конференция ўз ишини Қибрай туманида давом эттирди. Бу туман «Муस्ताқиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловида голиб, деб топилган эди. Конференция қатнашчилари туманининг бу соҳадаги иш тажрибаси билан қизиқиб танишдилар. 15-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Нилуфар Отаеванинг иши алоҳида таъкидланди. Унинг турли хил ўсимликларнинг инсон танасига таъсири тўғрисидаги тадқиқотлари ўзига яраша илмий иш деб қайд этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева вилоят ҳокимининг конференцияга табригини ўқиб эшиттирди. Бу табрикда наврўз кунлари она-табиатга меҳр-муҳаббат алоҳида куч билан намоён бўлади, деб таъкидланди. Ҳоким конференция қатнашчиларига ёш авлодни экологик тарбиялашда катта муваффақиятлар тилади.

Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Аҳмед Совғи «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Туркиядаги вакили этиб сайланди. У конференцияда ўқилган энг яхши маърузалар Туркияда нашр этиладиган «Экология» журналида босиб чиқарилади, деди. Табиат ёш дўстларининг катта гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА,

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг бош мутахассиси.



Бебаҳо неъматга ғамхўр бўлайлик

Мутахассис муаммо қўяди

ЎРМОНЛАР — НОЁБ БОЙЛИК

Уларни кенгайтириш, сақлаш вилоятимизда алоҳида эътиборни талаб этади

ЎРМОНЛАР она-табиати-мизнинг бебаҳо неъматидир. Унинг аҳамияти ҳаммага маълум. Лекин, фан-техника тараққиёти мисли кўрилмаган чўққиларга кўтарилган ҳозирги вақтда табиат бу инъомининг қадр-қиммати, аҳамияти янада ошмоқда. Саломатлигимиз ҳам кўп жиҳатдан шу ўрмонзорларга боғлиқ бўлиб қоляпти. Унинг фақат иқтисодий-ижтимоий жиҳатдангина эмас, айниқса, экология соҳасидаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасига биркитилган ва пойтахт вилоятимизда жойлашган ўрмонларнинг умумий майдони ўтган йилнинг бошига келиб 362,3 минг гектарни ташкил этди. Шу жумладан, ўрмон билан қопланган майдонлар кўлами унинг 63,4 минг гектарига ёки 17,5 фоизга тенг бўлди.

Бу, албатта, ниҳоятда кам. Уни ҳар томонлама кўпайтириш лозим. Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Аввало, илгариги ўрмонларни қайта тиклаш, шунингдек, турли хил дарахт-бута ўсимликларини кесишни кескин қисқартириш лозим. Сўнгги вақтларда дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиб олиш ва ўтин сифатида ишлатиш кенгайиб бораётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Чунки, ўрмонларимиз кўпроқ жойлашган Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент туманларида ҳам аҳоли сони мунтазам ошиб бормоқда. Бунинг натижасида ёқилги-энергетика ресурсларига талаб ҳам ортмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, фақатгина Бўстонлиқ туманида ёқиш учун ҳар йили 32 минг куб метрдан ортиқ ёғоч талаб қилинар экан. Шунда ҳар бир оилага олти куб метрдан ўтин тўғри келади. Ўтин заҳираларининг умумий ҳажми 1343,1 минг куб метрни ташкил этишини ҳисобга олсак, у юқорида белгиланган миқдорда ишлатилганда фақатгина 32 йилга етар экан. Чунки, ўтинга бўлган йиллик ўртача эҳтиёж 42 минг куб метрни ташкил этмоқда. Бундай аҳволга энди асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс холда мавжуд ўрмонларимиздан ажралиб қолишимиз ҳеч гап эмас.


Тошкент вилоятидаги ўрмонлар, бутун республикамиздаги каби, муҳофаза қилиш турли тоифаларининг биринчи гуруҳига кириди. Биринчи навбатда ўрмонларимиз сув, тупроқни муҳофаза қилувчи манба ҳисобланади. Бу ўрмонларда фақатгина қуриб қолган

дарахтларни ва мавжуд дарахт-буталарининг санитария ҳолатини яхшилаш учун шох-шаббаларинигина кесиш мумкин. Бу миқдор ҳам йилига 1200 куб метрдан ошмаслиги лозим.

Ҳа, ўрмон заҳираларимиз жуда ҳам кам. Шунинг учун уларни сақлаш, кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш ҳақида доим қайғуриш лозим бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда, бизнинг фикримизча, қуйидаги

истар эдик. У ҳам бўлса, чорва молларини боқиш масаласидир. Хўжаликларнинг, шунингдек, аҳолининг чорвалари ҳам ўрмон минтақаларида боқилиб, уларга катта зарар келтирмоқда. Шунинг учун бу соҳада ҳам қандайдир чеклашлар бўлиши керак. Улар маълум миқдордан ошмаслиги лозим.

Юқорида айтганимиздек, қатор ўрмон хўжаликлари иш-



Тоғлар ва ўрмонлар қўйнида жойлашган Хумсон қишлоғи манзараси беихтиёр кишини ўзига мафтун этади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

тадбирларни амалга ошириш лозимдир.

Қатор ўрмон хўжаликлари ишлаб турипти. Уларнинг ҳамда Ўғом-Чотқол давлат қўриқхонаси ва ўрмонни муҳофаза қилиш давлат нозирлиги идораларининг куч-ғайратини бирлаштириш, бу талбирни ўрмонлар ва уларда мавжуд бўлган ҳайвонот олами-ни муҳофаза қилиш ҳамда оқил-лона фойдаланишга йўналтириш лозим.

Ўрмонларимиз заҳираларини кўпайтиришнинг яна бир муҳим омили бор. Бунинг учун, аввало, ўрмонларни тиклаш ишлари ҳажмини иложи борича кўпайтириш йўлидан бориш керак. Биринчи навбатда экиш учун дарахт кўчатлари етказиб берадиган хўжаликлар ташкил этиш, уларнинг ишини самарали йўлга қўйиш талаб қилинади. Ўрмонларга экиладиган асосий дарахтлар ҳисобланган Зарафшон ва Туркистон арчаси навларини етиштиришни кўпайтириш керак. Албатта, бу билан чекланиб бўлмайди. Айни вақтда тоғ шaroитларида яхши ўсишга мослашган мевали дарахтзорлар ҳам ташкил этиш зарур бўлади. Аввало, ёнғоқ дарахтлари экишни кўпайтириш лозим. Бундай дарахтлар ҳавони тозалаш қатори истеъмол учун зарур бўлган кўп миқдорда фойдали ҳосил беради.

Ўрмонларимизни хароб қилаётган муҳим бир муаммо ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни

лаб турипти. Улар хўжаликнинг шу соҳасига ихтисослашган. Айни вақтда давлат хўжаликларига тегишли бўлган ўрмонлар ҳам бор. Бизнингча, бундай ўрмонларни ўрмон хўжаликлари ихтиёрига бериш керак. Текширишлар давлат хўжаликларига қарашли ўрмонларда дарахт-буталар кўплаб кесилаётганлигини кўрсатиб турипти. Уларни ягона бир хўжаликка бирлаштириш бундай ўзбошимчаликка муайян даражада чек қўйган бўлур эди. Биз ўрмонларимизни ҳимоя қилиш билан унда яшаётган турли-туман жониворлар ва паррандаларни ҳам муҳофаза қилган бўламиз.

Ўрмонлар жойлашган минтақаларда истиқомат қилаётган аҳолини ёқилги-энергетика ресурслари билан таъминлаш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Уларга газ, кўмир ва бошқа шу каби ёқилгилар етказиб беришни кўпайтириш талаб қилинади. Албатта, бу бир қунда ҳал қилинадиган муаммо эмас. Бу иш билан доимий тарзда шуғулланиш лозим. Уни пайсалга солиб бўлмайди. Акс холда ўрмонларимизнинг янада қисқариб кетиши ҳеч гап эмас.

Ф. НАВТУРОВ,

вилоят ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича махсус нозирлик бошлиғи.

«ОЛАМНИ АСРАНГ» ФАОЛЛАРИ

ШУНДАЙ олий мақсадни шиор қилиб олган ўқувчиларнинг табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тўғараги Ўрта-чирчиқ туманидаги К. Ғофуров номли 16-ўрта мактабда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Унга аъзо бўлиб кирган ўнлаб юқори синфлар талабалари иккинчи тоифадаги жўрофия — биология ўқитувчиси Саодат Баҳовуддинова раҳбарлигида табиат сирларини, маҳаллий ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганмоқдалар, экология масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Яқинда ўқувчилар ўртасида «Биз ва табиат» мавзусида реферат ёзиш бўйича танлов бўлди. Унда тўғарақ аъзоларидан Ш. Юсупов, Ш. Сайдирахмонов, З. Каримова, Д. Қудратиллаевалар мавзуга тушуниб ёндошганликлари маълум бўлди. Тўғарақ аъзолари тумандаги дарё ва кўллари ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни олдинга сурдилар. Шу ҳақда махсус бурчак ташкил этилди.

Яқинда табиат ихлосмандлари бўлган ўқувчилар «Роватак» жамоа хўжалигида бўлиб, унинг экологик аҳолини ҳар томонлама ўргандилар. Улар мактаб ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Янги экилган ниҳолларни парвариш қилишади, уларни асраб-авайлашади.

Тўғарақ ўз фаолияти билан мактабда ёш авлоднинг экологик тарбиясига, ўқувчиларда табиатга меҳр-муҳаббат кўникмаларини шаклланишига ёрдам бераётганлиги тақдирга сазовордир.

Дилшод ҚАҲҲОРОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМ ЧЕТДА ТУРМАЙДИ

ЎТГАН йил якунларига кўра Бекобод табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоятдаги ҳудудий қўмиталар ичида голиб деб топилди.

Бу қўмитанинг назорат қилиши лозим бўлган ҳудуд анча каттадир. Шундай кенгликда атмосфера ҳавоси, ер, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишдек мураккаб, масъулиятли вазифанинг уйдасидан чиқиш амри маҳол, албатта. Қўмитада ишлаётган саккиз нафар ходим учун жуда оғирлик қилади.

Шунинг учун ҳам қўмита нозирлари ўз атрофларига табиат ихлосмандларини кўпроқ тўплашга ҳаракат қилишапти. Кўп жиҳатдан қўмитага хайрли ишда яқиндан ёрдам бераётган жамоатчилик туфайли табиатни муҳофаза қилишда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Қўмита нозирлари ва шундай кўмакчиларнинг биргаликда олиб борган саъи-ҳаракатлари натижасида ўтган йили зарарли моддаларни ҳавога чиқариш олдинги йилга нисбатан 2800 тоннага камайди. Бу соҳада кўнунчиликни бузган қирқ нафар киши турли шаклда жазоланди. Ундириб олинган жарима ҳажми эса ўн етти минг сўмдан ошироқни ташкил этди.

Сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уни истеъмол қилиш ва турли ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиш тўрт миллион куб метрдан ортиқ камайди. Ифлос оқаваларни оқи-зиш эса 725 минг куб метрга қисқарди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи билан кўпроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ҳозирги вақтда Бекобод туманидаги ўн еттита жамоа хўжалигининг ўн тўртта-сида сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома бор. Табиатнинг бу бебаҳо неъматини ис-

роф қилувчиларга нисбатан чоралар кўрилмоқда. Шундай шахслардан 48 кишига ўн олти минг сўмдан ортиқ жарима солинди ва у тўла ундириб олинди.

Ер ресурсларидан фойдаланиш иши жойларда қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш юзасидан жамоатчиларни кенг жалб қилиб салкам икки юзта текшириш уюштирилди. Натижада анчагина нуқсонлар борлиги маълум бўлди. 32 нафар шахснинг бу соҳадаги лоқайдлиги ўзларига қимматга тушди. Улар ўз ҳисобларидан деярли ўн икки минг сўм жарима тўладилар.

Ҳудудий қўмита тасарруфидати ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳам турли-туманлиги билан ажралиб туради. Уларни авайлаб-асрашга ҳисса қўйиш табиат посбонларининг ҳам бурчи ҳисобланади. Бу соҳа ҳам доим назорат остида, вақти-вақти билан текширишлар ўтказиб турилади. Йил давомида ўсимликлар ва жониворларга зарар келтириш билан шуғулланган йигирма нафарга яқин шахслар жиноят устида шарманда қилинди. Уларнинг овоз кўроллари ва тўрлари мусодара этилди ҳамда йигирма олти минг сўмлик даъво билан чиқилди, минг сўмлаб жарима солинди.

Табиат муҳофазасида эришилган бошқа ижобий натижаларни кўрсатувчи мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бунда қўмита ходимлари қатори жамоатчи нозирларнинг ҳам ҳиссаси бор. Айниқса, М. Фаниев, У. Фозилов, Бекобод мевалургия комбинатидан У. Рустамов, «Сарбон» автокорхонаси ходими А. Бурхонов, «ПАХТ» автокорхонаси муҳандиси Э. Аметовларнинг хизматлари самарали бўляпти.

Собир ҲАМИДОВ.



● Бу ажиб дунё ● Билиб қўйсангиз нафи тегади

«Тошкент ҳақиқати»
маслаҳатхонасида

ДАРМОН БЎЛАДИГАН МАСАЛЛИҚЛАР

ИНСОН СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ УЧУН СИФАТЛИ ОВҚАТЛАНИШ, УНИНГ РАНГ-БАРАНГ БЎЛИШИ, ИШТАҲА БИЛАН ЕЙИЛИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. АЙНИҚСА, ХЕРАКЛИ ВИТАМИН — ДОРИ-ДАРМОН БЎЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА КЎКАТЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ФЙДАЛИ.

Маълумки, А витамини кўз қувватини оширади, болалар ва ўсмирларнинг бўйини ўстиради, терининг соғлом бўлишини таъминлайди. Бу витамин балиқ мойи, жигар, гўшт, сабзи, помидор, пиёз, гармдори ва сут маҳсулотлари таркибида кўп учрайди.

В гуруҳига кирадиган витамин одамнинг иш қобилиятини оширади. Нўхот, ловия, ёнғоқ, ерэнғоқ, тухум сарияги таркибида В витамини бор.

Одам жисмига, айниқса, С витамини жуда зарур. Агар бу витамин етишмай қолса майда қон томирлари заифлашади, организмнинг турли касалликларга қарши кураш қобилияти пасаяди. С витамини қорақанд, кўк пиёз, қарам, саримсоқ, помидор, лимон, қизил гармдори, апельсин, наъматах таркибида кўп бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, кўкатлар таркибида ҳужайралар фаолияти нормал бўлишига ёрдам берувчи моддалар ниҳоятда бисёр. Бу моддалар склероз, шунингдек организм қаришининг олдини олади.

ФЙДАЛИ ШАРБАТЛАР

АЙРИМ касалликларга чалинганда, қаттиқ толиқганда иштаҳа йўқолади. Бу ошқозон безлари фаолиятининг сусайиши оқибатидир. Бундай ҳолларда овқатланишни хом салатлар, винегретлар ейтишдан ёки айрим сабзавот шарбатларини ичишдан бошлаш лозим. Янги сабзи, қарам, давлаг, шолғом, бодринг, турп шарбатлари ошқозоннинг кислотаси ҳосил қилиш ҳамда безлари функциясини кучайтиришга кучли таъсир кўрсатувчи махсус дорилардан кўра самаралироқ таъсир этади.

Агар юкорида айтиб ўтилган сабзавот шарбатларининг ярмини ёки учдан бир қисмини сув билан аралаштириб ичиб турилса, ошқозон иши яхшиланади. Сафро хайдаш йўллари фаолияти кучаяди.

Сабзавот шарбатларининг хусусиятлари турличадир. Шунинг учун ошқозон шиллик қавати безовта қилганда, гастритда турп ҳамда редиска шарбатларини истеъмол қилишдан сақланиш лозим. Улардан қилинган салатлар қаймоқ ёки ёғ билан аралаштирилиши зарур.

КАРТОШКА СУВИ ДАВО

ЖАРОҲАТЛИ касалликка дучор бўлиб, меъда суюқлиги ажратиш кучайганда ва жигрдон қайнаганда картошка суви яхши ёрдам беради. Бу сувни айни ичиш олдида тайёрлаш керак.

Бунинг учун картошкани тозалаш гўшт қиймалагичдан чиқарилади, кейин 3—4 қават доқадан ўтказилади. Тайёр бўлган картошка суви ярим стакандан кунига уч-тўрт марта овқатдан олдин икки-уч ҳафта босим ичилади.

ИБН СИНО ШОТУТ ҲАҚИДА

... ОФИЗ ва томоқ шишларини қайтаради, унинг баргини эса томоқнинг икки томонидан чиққан шишларга ва томоқ оғриқларига қарши ишлатилса бўлади.

Баргининг суви билан оғиз чайқалса, тиш оғригини босишга ёрдам беради.


Унинг қуритилгани ич кетишини тўхтатади ва ичакдаги яраларни тузатади.

Тут, ток ва қора анжирнинг баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочи қорайтиради.

Қуритилгани ёмон яраларни даволашда фойда қилади, шираси ҳам шундай.

СУВДАН КЎРА ЧОЙ МАЪҚУЛ

БАЛИҚ, гўшти ва сарийғ таомлардан, хусусан, паловдан кейин совуқ сув ичиш ярамайди. Баъзилар ёғлиқ паловдан сўнг совуқ сув ичишга ўрганиб қолганлар, ҳатто Самарқанд ва Бухорода шундай одат ҳам бор. Бундай кишилар дастурхонга палов билан бирга катта қосаларда совуқ сув («яхоб») келтирилади ва ошни сув билан қўшиб истеъмол қиладилар. Буни улар «Гуруч сувга оқилади ва у доимо сув ичида етилади, пиширганда ҳам сувда пиширилади, агар гуруч еган киши устидан яна сув ичиб юборса, у яхши тўйдирадиган бўлади» деб исбот қилмоқчи бўладилар. Бу исбот тўғри эмас. Тажрибакор врачларнинг фикрича, гастрит, ичак яраси каби касалликлар кўп ҳолларда сарийғ ва гўшти таомлардан сўнг совуқ сув ичиш натижасида пайдо бўлади. Бу таомлардан кейин иссиқ чой (айниқса, кўк чой) ичган маъқул.



Бу болакай келажакда ажойиб чавандоз бўлса ажаб эмас.

Тўлқин Лутфуллаев суратга олган.

ИККИ БОШГА БИР ТАНА

БУ ҲАЙРАТОМУЗ ҳодиса бундан олти йил илгари содир бўлган эди. У яқинда кенг жамоатчиликка маълум бўлиб қолди. Бу эгизакларнинг ота-оналари ундан кўпчиликни хабардор қилишни истамас эдилар.

Тиббиёт ҳамшираси Пэтти ва дурадгор Май Хексел, улар Американинг ўрта ғарбидаги шаҳарчада яшашди, биринчи фарзандни кутишар эди. Ҳомилдорлик маромида борди, шифокорлар бола тўғри ўсаётганлигини қайд қилиб турдилар, бунинг учун ультратовуш ёрдамидан ҳам фойдаландилар. Чақалоқ нотўғри келганлиги учун жаррохлик усулини ишлатишга тўғри келди. Ҳомилани қабул қилиб олган доялар ханг-манг бўлиб, қотиб қолишди. Чунки чақалоқнинг тана битта-ю калласи иккита эди.

Аслини олганда икки нафар қиз бола туғилган бўлиб, улар бир-бирига ёпишган эди. Чақалоқларга Эби ва Бритти деб исм қўйдилар.

Одатда бундай туғилган болаларни сиам эгизаклари дейишади. Эсингизда бўлса бундай ном билан тарихга кирган ягона тана ва икки бошли эгизак Таиланддаги Сиам деган жойда туғилган бўлиб, уларни туғилган жойи номи билан сиам эгизаклари дейилган. Улар 63 йил яшаб вафот этганлар. Бу сиам эгизаклари орасида шу вақтгача энг узок умр кўрганлар ҳисобланади.

Эбби ва Бриттини операция йўли билан бир-бирдан ажратиш мумкин эди. Бунда улардан бирининг вафот этиши муқаррар бўларди. Тирик қолгани ҳам мажбур бўларди. Шунинг учун ота-онаси бунга рози бўлмасдилар.

Эгизаклар анатомик жиҳатдан шундай тузилган: ҳар бирининг ўз юраги, ошқозони, умуртқаси бор, лекин белдан пастда жойлашган аъзолари — жигар, ўт пуфаци, ичаклари ягона. Уларнинг асаб тизимлари ҳам бошқа-бошқа. Эбби ўнг томондаги қўл ва оёқни, Бритти чап томондагиларни бошқаради. Агар онаси Эбби томонини қитикласа Бриттининг қитиғи келмайди. Қизларнинг тавсифлари ҳам хар хил, уй вазибаларини бажаришга тавсифлари бир-бирларига қарамайдилар. Улар қорин очганини, уйқуси келганини, хожатга боришни яқка-яқка сезадилар. Бироқ уларнинг ҳаммасини бирга қилишга мажбур бўладилар.

Олимлар бу эгизакларнинг ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришларидан ҳайратда қолмоқдалар. Улар худди бир кишидек чапак чаладилар, ботинка ипларини боғлайдилар, қадам ташлашда ҳам икки одам эканликлари сезилмайди.

Вақти келиб улар бир-бирларидан ажрашни истаб қолишар, ҳозирча Бритти учувчи, Эбби эса тиш шифокори бўлишни оруз қилишмоқда.

Олимларнинг фикрича, бундай ғайритабиий ҳодиса она бачадонида тухум ҳужайрасининг тўла ажралмаслиги оқибатида юз беради. Ҳисобларга қараганда ҳар 50 минг кўзи ёришга битта шундай туғилиш тўғри келади. Бундай ҳодисаларнинг 40 фоизда болалар ўлик туғилади, 70 фоизда эса маълум бўлмаган сабаблар-

га кўра қизлар оламга келадилар, деб ёзилади «Труд» газетасида.

ЧЎРТОН БАЛИҚ «БЎСАСИ»

КАРЕЛИЯДА нима кўп кўп. Балиқ овлаш ишқи-бозларига бу жуда кўп келади. Ҳатто, пойтахт яқинида ҳам унча катта бўлмаган кўллар бўлиб, улар доим балиқ овловчилар билан гавжум бўлади. Шундай кўлларнинг бирида вази ярим килограмм келадиган балиқ қармоққа илиниб чиққанида балиқ овловчининг қувончи чексиз бўлди. У хурсанд бўлиб кетганидан, ўзи ҳам ширакайф эди, ўлжасини ўпмоқчи бўлди. Чўртон балиқ ҳам бўш келмади. У ишқибознинг бурнига ёпишиб олса бўладими?

Ёрдамга келган балиқ овловчилар қанчалик уринишмасин балиқнинг чакакларини оча олмадилар. Фақат танасининг гина қирқиб олдилар, шундай қилинганда ҳам бурунни унинг оғзидан олиб бўлмади. Шўринг қурғур балиқ ишқибози шундай аҳволда касалхонага юборилди. Касалхонада шифокорлар балиқ жағини қирқиб, икки бўлакка ажратганларидан кейингина бурунни ундан халос этдилар.

ФАРОЙИБ ЧАҚАЛОҚ

МИСРЛИК — 25 ёшли дехқон аёл Февзия Абдулла, олдинги қизи туғилганидан бери тўрт йил давомида фарзанд кўрмай, яқинда иккинчи фарзандини кўрди. Туғилган ўғил боланинг... икки боши бор эди. Ҳомилани қабул қилиб олган шифокор Наъмиаш-Шодлининг айтишича, чақалоқнинг вази 5 килограмм бўлиб, иккита бўйни, оёғи ва қўллари бор эди. Бошқа четга оғишлар йўқ эди. Бироқ, шифокор аёлни операция қилиб фарзандини олган эди.

Ривожланган икки бошли боланинг бу туғилиши жаҳон тиббиёти амалиётида содир бўлган тўртинчи воқеа эди.

ОЙ ЖУМБОҚЛАРИ


Америкалик космонавтлар ойга кўниб қайтганларида унинг жинсларидан намуналар олиб тушишган эди. Улар орасида баландлиги салкам 45 сантиметр келадиган ҳайкалча ҳам бор эди. Унда юзи аёлларникига ўхшаш фаришта тасвирланган бўлиб, оёқлари жуда узун, сочлари жингалак, икки биқинида қанотлари, уларнинг учида эса антеннани эслатувчи локаторлари ҳам бор эди. Аниқланишича, бу ҳайкалча ерда учрамайдиган металлдан ясалган экан. Кимёвий таҳлил у бундан тахминан 200 минг йил муқаддам тайёрланганлигини кўрсатди.

Ойда топилган яна бир ажойиб топилма инсон пушти эди, у ҳам ой жинсида ётарди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин эди-ки, биринчидан, қачонлардир Ойда ҳам ҳаёт бўлган (Ерда бошланишидан анча илгарироқ), иккинчидан, Ойда яшовчилар ердигилардан анча илгари динга ишонишган, у христиан динига ўхшаш бўлган.

ТАБИАТ ҚОНУНИ — ҳамал келганда уруғ тарвуз ичида ҳам кўкараверар экан.

Даврон АҲМАД суратга олган.

Ушбу саҳифа материалларини Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.



1996 йил — Амир Темури йили



«ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР»

Тошкент вилоятида соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан шу мавзудаги илмий-амалий мулоқот иш бошлади

ҲА, ВИЛОЯТ хотин-қизлар кўмитаси, республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамда унинг Тошкент вилояти бўлими ўзаро ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Халқимизнинг буюк фарзанди соҳибқирон Амир Темури йилини пойтахт вилоятида муносиб ўтказиш ва шу асосда хотин-қизлар, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарбияни жонлантириш мақсадида «Темурией маликалар» деб номланган илмий-амалий, бадиий-муסיқий тадбирлар ўтказила бошланди. Белгиланган дастурга кўра мазкур тадбирда таниқли тарихчилар, Амир Темури яшган даврнинг билимдонлари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этмоқдалар. Дастлабки мулоқот Ангрен шаҳрининг Алишер На-

нг катта илмий ходими Турғун Файзиев темурией маликалар ва Амир Темури шаҳараси ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Тарихчи олима Муборак Юнусхўжаева, Амир Темури экспедицияси раҳбари Фахриддин Хўжаев, профессор Салима Асқарова, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиева, шоиралар Фаридат Усмонова, Кавсар Тўрдиева ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам тингловчиларда яхши тасвурот қолдирди.

Шу кунги Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ангреникларнинг азиз меҳмонлари бўлдилар. Улар Амир Темури спектаклидан парча намойиш этишди.

— Тадбирдан бир дунё таассурот билан қайтаяпман, — деди А.Бердиева. — Айниқса, домла Турғун Файзиевнинг маърузаси менга ниҳоятда ёқди. Қаранг, Амир Темури ва ўша давр маликалари ҳақида қанча маълумот, қанча янгилик... Бундай тадбирларни илҳом бўлса, тез-тез ўтказиб туриш керак. Ана шу маънода тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Барчага манзур бўлган илмий-амалий мулоқот педагогика олийгоҳи бадиий ҳаваскорларининг қўшиқ ва рақслари билан якунланди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Янгийўл шаҳрида ўтган «Темурией маликалар» кўригидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



воий номли маданият саройида бўлиб ўтди. Мулоқотга Ангрен педагогика олийгоҳининг мураббий ва талабалари, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари ва бошқа жамоатчилик вакиллари таклиф этилган эдилар. Суҳбатни Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева очиб, шундай деди:

— Соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳаёти ва фаолияти ҳақида шу пайтгача билган тасавурларимиз аслида ҳақиқатдан йироқ бўлганлигини, собиқ тузум мафқураси нафақат тарихимизни, балки, дилимизни, тилимизни, кўнгил кўзларимизни ҳам мавҳумликка ўраб-чирмаб ташлашга уринганини бугун яхши биламиз. Мустақиллик тугайли нафақат бугунги ҳаётимизни, балки, ўтмишимизни ҳам янгилашмиз ва ўзлигимизга қайтаяпмиз, десак ҳаёт бўлмайди.

Айни пайтда Амир Темурининг давлат, мамлакатни обод қилиш, адолат билан иш юритиш каби масалаларда ниҳоятда қатъиятли бўлгани, айниқса, хотин-қизлар ишига нозик кўз билан қарагани ҳеч кимга сир эмас. У ўта муҳим давлат ишларида ҳам ўз маликаларига суянган, улар билан кенгаш қилган, уларга ишонган. Ўз навбатида сарой маликалари ҳам ўша даврнинг фозилалари, оқила ва билимдон аёллари бўлганлар. Хўш, бу маликалар кимлар эди? Уларнинг ҳаёти ва тақдир қандай кечди? Биз янги мавзуда ташкил этилган мулоқотимизда ана шулар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Табиийки, ўтмишдаги ибратли воқеалар, темурией маликаларнинг фазилатлари ва давлат сиёсатидаги хизматлари ҳаммамиз учун ҳам қизиқарли ва ўрганишга лойиқдир.

Тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик олийгоҳини-



ОИЛА — БИРИНЧИ МАКТАБ

Хўш ўқилиб бўлгач, уни махсус машина томон олиб кетишгаётганда онамзор додига залдаги аёллар ҳам чидай олмадилар. Лекин аччиқ кўз ёшлар, алам, изтироб, афсус-надоматларнинг энди ҳеч кимга нафи йўқ, қилғилиқни қилиб қўйган ўғил қонун асосида жазосини олган эди.

Она эса ҳамон фарзандига талпинар, «жуда бўлмаса бир мартагина бағримга босай болагинам-дея ўзини кўярга жой тополмасди. Суд жараёнида бундай ҳолатларни кўрган ҳар қандай инсон ҳам оналарга ёки аламларини ичларига ютиб, унсиз фиғон чекаётган оталарга ачинмай илоҳи бўлмайди. Аммо қонун адолат юзасидан иш кўриши табиий ҳол.

Хўш, бундай кўнгилсиз аҳвол юз бермаслиги мумкинми? Нима учун фарзанд ўғрилиқ кўчасига кирди? Бу иллатнинг замини қаерда? Нега ота-онанинг боши эгилиб, бағри доғланди?

Қунондек чарх ургувчи бу саволларга жавоб борми ўзи?! Ҳа, бор. Бу хунук оқибатнинг асосида тарбиясизлик ётипти. Тарбиясиз ўсган инсоннинг кўлидан эса одоб доирасига сиғмайдиган қилмишларни кутиш мумкин. Машҳур алломалар фарзандни яхши хулқа, одобга ўргатишни у йўрғакда ётганидаёқ бошлаш керак деб беҳиж айтишмаган. Болада тарбиянинг шаклланиши оила, мактаб, маҳалла муҳити билан бевосита боғлиқ. Қўш уясида кўрганни қилади, дейишганидек, оилада ота-онанинг ўзаро муносабатлари, мактабда ўқитувчининг юриш-туриши, мавқеи, сўзининг таъсир кучи, маҳаллада инсонийлик ҳислатларининг қай даражада шаклланганлиги, ҳар бир одамга бўлган ҳурмат эътибор — буларнинг ҳаммаси тарбия заминидир.

Оила — бола учун биринчи ҳаётий мактабдир. Ўсиб келаётган «ниҳол» ана шу мактаб муҳитида таъсир олади. У ё одоби, жамият олдидаги бурчини тўғри тушунадиган инсон бўлиб етишади, ёки мутлақо тескари йўл тутиб, турли хунук оқибатлар сабабчиси бўлиб қолади. Кейинги йиллар ичида эгри йўлга кириб ота-оналари бошига ташвиш тушираётган фарзандлар сони камайибётганлиги афсусланарлиқдир. Мана, бир мисол. Олмалиқ шаҳар фуқароси 19 ёшли Александр Романовнинг тарбиясига у болалигида ота-онаси етарли эътибор беришмади. Бу ҳолни улар ишда бандликлари, шуғулланишга имконлари йўқлиги билан ўзлари-ча асослаб юрдилар. Фарзандларининг ўртоқлари ким, нега у кечасио кундузи саёқ юрибди, қизиқмадилар. Ниҳоят, бепарволик оқибатсиз қолмади. 1993 йил 13 июлда Александр ўғрилиқ қилгани учун Олмалиқ шаҳар суди томонидан уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ўша пайтда фарзанднинг ёшлиги ҳисобга олиниб, қонун асосида бола яна оила тарбиясида қолдирилди. Аммо ўғил бундан хулоса чиқармади. Аксинча, дайдиб юришини давом эттираверди. Ҳавойиликка ўргангани учун бирон ишга бўйни ёр бермади, ичкиликка ружу қўйди ва яна ўғрилиқ йўлига кирди. 1994 йилнинг 4 февралда Олмалиқ шаҳар савдо ташкилотига қарашли дўконлардан бирининг омборхонасига тунда тушиб, кўп миқдорли давлат мулкни ўғирлаб кетаяётганда қўлга олинди. Бу жиноят учун у етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ноқобил фарзанднинг қилмишларидан қаддилари буқилган ота ва она шашқатор кўз ёши тўққанча қолавердилар. Шунини айтиш керакки, болалигидан эркатой, бети қаттиқ бўлиб ўсган фарзанд кейинчалик ота-она, ён-атрофдагилар сўзларини назар-писанд қилмайди, ҳатто хонадондагилар унга чурқ этиб оғиз очишга юраклари безиллайдиган бўлиб қоладилар. Ана шунинг учун ҳам болани бошиданок яхши хулқи қилиб ўстиришга жиддий эътибор бериш керак.

Яна бир мисол. Қибрай туманининг Навбахор кўчаси 1-уй, 2-хонада истиқомат қилувчи Рустам Аширов тақдир ҳам Александрникига ўхшаш. У фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига ўзига ўхшаш безориларга қўшилиб, ўғрилиқ кўчасига кирди. 1994 йил 15 апрель кунини ана шу қилмиши учун Қибрай туман суди томонидан тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Аммо 1994 йил 19 августда республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан афв этиш ҳақидаги фармонга мувофиқ ўтаётган жазосидан озод қилинди. Лекин Рустам ўз қисмати-дан сабоқ чиқармади. Ота-она ҳам болага нисбатан бепарво бўлишди. Гўё оилада ҳеч нарса бўлмагандек эди. Рустам яна текин пул топиш йўлига кирди. Тавбасига таянмаган Р. Аширов Қибрай туманига қарашли Тузел посёлқасининг Навбахор кўчаси 110-уйда истиқомат қилувчи Рустам Лайков билан тил бириктиргач, шу кўчадаги Н. Мусаева яшаётган уйга киришиб, унинг 23 минг сўм пули ва бошқа ҳар қил молларини, жами бўлиб 32 минг 130 сўмлик мол-мулкларини ўғирладилар. Аммо ҳар

Ҳуқуқшунос майдани

икки жиноятчи ҳам узоққа қочиб кета олмади. Содир этган жиноятлари учун Қибрай туман ха-

лқ суди Р. Ашировни тўққиз йилга, Р. Лайковни саккиз йилга озодликдан маҳрум этди. Ҳўқимда жарланувчи Н. Мусаевага келтирилган зарарни жиноятчилардан тўлиқ ундириш кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, тарбиясиз бола ота-онанинг шўри. Шунинг учун ҳам болани одобга ёшлигида ўргатиш, унинг тарбиясидаги хатоликларни ўз вақтида тузатишга жиддий эътибор бериш керак. Оддий бир ҳақиқат бор. Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноят — бу бузуқ тарбия, назоратсизлик оқибатидир.

Яна бир нарсани ёдда тутиш керак. Оилада барча болаларни тенг кўриш лозим. Айрим оилаларда қизлар кўп, ўғил эса камроқ бўлади. Баъзиларда эса аксинча. Ана шундай оилаларда болаларга нотўғри муносабатда бўлиш, уларни ажратиш натижасида кўпинча арзанда, тантик фарзандлар вояга етади. Улар ота-онани маломатта қўйишлари ҳеч гап эмас.

Ёшлар тарбияси осонмас, албатта. Лекин икки масъул жамса — мактаб ва оила мустаҳкам алоҳада бўлса бу иш анча енгил кўчади. Тарбияга айни вақтда маъмурий идоралар ҳодимлари, ички ишлар бўлимларининг болалар инспекторлари, ёшлар иттифоқи кўмитаси, касаба уюшмалар, маҳалла кўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам ўзларининг муҳим вазифалари деб қарашлари керак.

Вилоятимиз маъмурий идоралари, ўз ишларини йўлга қўйишда ана шу масалаларга эътиборни янада кўпроқ қўйишлари лозим. Мактабларда, аҳоли истиқомат жойларида, маҳаллаларда бўлиб болалар тарбиясига оид суҳбатлар ўтказиш, айрим оилаларда ота-оналар билан учрашиб, рўй бериши мумкин бўлган ҳолларнинг олдини олишда фаоллик кўрсатиш, умуман тарбиявий ишларни яхшилашни ўзимизнинг долзарб бурчимиз деб билиб, унга муносиб ҳисса қўйишимиз керак.

Файзулла ФОЗИЛОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

СПОРТ САҲИФАСИ: Спартакиада дастури асосида. Биллур соврин учун кураш бошланди

Ўзбекистон Футбол Федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати»нинг қўшма реиди

ҲОЗИРЧА ТЎРТИНЧИ, ҚОНИҚАРЛИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмоқда?

МИНГ-МИНГЛАБ футбол мухлислари янги мавсум очилишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Улар ҳар йили айни Наврўзи айём кунлари ўйингоҳларни тўлдириб, дастлабки учрашувларни кўришга одатланиб қолишган. Бироқ бу йилги мавсум очилиши маълум сабабларга кўра бир ойга кечиктирилди. Бу айни вақтда жойлардаги ўйингоҳларнинг камчиликларини бартараф этиш ва тўла шайлаб олиш имконини берди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида футболни ривожлантиришнинг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Ҳўш, ана шу вазифалар қандай бажариляпти? Шу мақсадда Ўзбекистон Футбол Федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси махсус гуруҳи Тошкент вилояти ўйингоҳлари бўйлаб текширув ўтказди.

сига яна қўшимча икки қатор ўриндиклар қўшилмоқда. Энциз, оддий тахталарни қалин сим билан дидсиз тортиб қўйилбди. Бу ердаги қурилишга масъул туман ҳокими муовини Дилшод Иномбековдан текшириш гуруҳи аъзолари «ишлар нега бунчалик суст олиб борилляпти?» деган саволларига аниқ-тайин жавоб ололмадилар. Қўшимча қуриляётган хоналарга ҳатто тахтадан пол ётқизиш ҳам ҳисобга олинмаган. Туман спорт қўмитаси раиси Абдусалом Мирзажонов ҳам сукут сақлашдан нарига ўтмади. Маълумки, бўкалик футболчилар ўтган йили вилоят биринчилигида голиб келиб, даъвогарлар баҳсида республика чемпионатининг биринчи табақасида ўйнаш ҳуқуқини кўлга киритишганди. Бу бўкалик футболчилар зиммасига юксак масъулият юклаган. Улар туман спорт шарафини республика биринчилигида ҳимоя қиладилар. Шарофиддин Сироҳиддинов шогирдлари кучлилар даврасида бу йил муносиб иштортишга эришган бўлишига шайлашган. Бўкалик футболчилар Кўкнинг «Темирийўли», Бекободнинг «Металлург», Тошкентнинг «Чилонзор» ва «Истиқлол» ҳамда бошқа жамоалар билан синов ўйинларини ўтказишиб, ўз кучларини синаб кўрдилар. Лекин команда бошлиғи Шўхрат Орипов билан бўлган суҳбатда ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари оро йўлда эканлиги очилиб қолди. Умуман бу ердаги ўйингоҳни кенгайтириш, қўшимча хоналар қуриш, бир сўз билан айтганда биринчилик низоми талаб даражасига келтиришда ишлар бесабаб кечиктириб юборилляпти. Текширув гуруҳи аъзолари иш шу заминда давом этадиган бўлса, бўкалик футболчиларни биринчилик мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолишларини таъкидлаб, барча ишларни ўн кун муҳлат ичида охирига етказиш мажбуриятини юклядилар.

Футболни оммавий ривожлантириш, клублар ташкил этиш, ёшларни бўш вақтини кўнглили ўтказишда Ур-

тачирчик туманида амалга ошириляётган ишлар бирмунча қувонарлидир. Туман спорт қўмитасининг раиси Ҳакимжон Умаров ҳўжалиқларда спорт инструктори лавозимлари тикланганлиги ва бу иш жойларда спортни ривожлантиришга туртки бўлишини хурсандчилик билан қайд этди. 48-мактабда иқтидорли ўқувчиларни танлаб, махсус футбол синфи ташкил этилди. Уларга 50 минг сўмга яқин спорт формаси ва футбол тўплари олиб берилди. Машҳур футболчи, марҳум Олим Аширов соврини учун болалар ўртасида турнир ўтказишга қарор қилинди. Энг муҳими «Тўйтепа» футбол жамоаси ташкил толиб, туман футболчилари вилоят биринчилигида қатнашадиган бўлдылар. Йўл четидидаги Олим Аширов номили ўйингоҳ ҳам эътиборингизни тортади. Кўкнинг усталар қўли билан бунёд этилган дарвоза-арк миллий услубда қурилган бўлиб, салобат ташлаб турипти. Утган йили ўйингоҳни таъмирлаш учун 2 миллион сўм сарфланди. Бунда «Бегим» акционерлик жамияти ҳиссаси катта бўлди. Бу йил ҳам «Бегим» жамияти ўйингоҳни тартибга келтириш, футболчиларни моддий қўллаб-қувватлашга аҳд қилган. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ўйингоҳ атрофлари ифлос, майдонни таъмирлаш ишлари кечикиб бошланган. Душхона йўқ, туман ҳокими муовини Х.Норқулов ўйинларни 1 майдан бошлаб мазкур ўйингоҳда ўтказишга ваъда берди. Ҳозирча туман футболчилари учрашувларни Тошкент давлат аграр университети ўқув-тажриба ҳўжалиги майдонида ўтказишмоқда.

Текширув гуруҳи аъзолари Чирчиқнинг «Кимёгар», Қибрайнинг «Мадаоният», Янгийўлнинг «Халқобод», Бекободнинг «Металлург», Бўстонликнинг «Ғазалкент» ва яна бир қатор ўйингоҳларни бориб кўрдилар. Жойларда қайд этилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мажбуриятини юклядилар.

Республикадаги барча спорт масканлари қатори Тошкент вилоятининг ўйингоҳлари ҳам мусобақаларни юори савияда ўтказадиган, чинакам ҳордиқ чиқарадиган, барча қўлайликларга эга бўлиши лозим. Бу Вазирлар Маҳкамасининг юкоридаги қарорини бажариш омилларидан бири эканлигини унутмаслик керак.

Зокир ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон футбол федерацияси бош қотиби,
Баҳром ҒОҒУРОВ,
Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси,
Шарофиддин УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири

РОЗИЯ ЭНГ ОЛДИН КЕЛДИ

Чирчиқда ярим марафон бўйича шунингдек беш ва ўн километрга югуриш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда турли вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 130 энгил атлетикачи қатнашди. Эркалар ўртасида 21097 метр масофага бўлган югуришда тошкентлик Аъзам Алиев маррага 1 соат 6 минут 34 секундда етиб келди. Ҳудди шу масофада аёллар баҳсида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти вакили Розия Юсупова 1 соат 30 минут 05 секунд натижа кўрсатди.

Тошкент шаҳри	2056 очко
Самарқанд вилояти	1482 очко
Андижон вилояти	1164 очко
Тошкент вилояти	1136 очко
Навоий вилояти	1038 очко
Фарғона вилояти	848 очко
Сирдарё вилояти	848 очко
Бухоро вилояти	820 очко
Наманган вилояти	742 очко
Қорақалпоғистон	396 очко
Сурхондарё вилояти	336 очко
Жиззах вилояти	260 очко
Қашқадарё вилояти	292 очко
Хоразм вилояти	244 очко



«ДЎСТЛИК»НИНГ ИККИ ҒАЛАБАСИ

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубоги учун дастлабки босқич ўйинлари бўлиб ўтди. Мамалякат биринчилиги олий табақаси ҳамда биринчи гуруҳ вакиллари саккиз зонага бўлиниб, мусобақалашмоқда. Ўйинлар Фарғона, Наманган, Андижон, Қарши, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳарларида ўтказилмоқда. Вилоятимизнинг «Дўстлик» футболчилари биринчи турда «Чилонзор» жамоасини 2:1, сўнгра «Ки-

мёгар» футболчиларини 7:0 ҳисобида мағлуб этишди. Бўстонликнинг «Ғазалкент» футболчилари Бекободнинг «Металлург» клуби билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, Тошкентда «Трактор» жамоасидан йирик 0:7 ҳисобида енгилди. Бўканинг «Ўзтурккумаш» футболчилари «Кимёгар»ни 2:1 ҳисобида енгилди. Қолган гуруҳлардаги ўйинлар орасида «Навбахор»нинг икки бор йирик ҳисобдаги ғалабасини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Наманганликлар аввалига «Шаҳрихончи» жамоасини 4:1, сўнг «Боғдочини» 8:0 (бу ҳозирча энг йирик ҳисоб) енгилди. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари эса дастлабки турда Булғурнинг «Диёр» футболчиларини 5:1 ҳисобида мағлуб этдилар.

Суратда: «Ғазалкент» ва «Металлург» жамоалари учрашувидан лавҳалар.

Даврон Аҳмад олган суратлар.

Диққат: ОЙ ТУТИЛАДИГАН ТУН

Бугун тунда (3 дан 4 апрелга ўтар кечаси) табиатнинг ноёб ҳодисаси — Ой тутилиши содир бўлади. Бу ҳодисани кузатиш учун Ўзбекистон Фанлар академияси астрономия институти олимлари шай турибдилар.

— Ой тутилишини эртага саҳар вақтида яққол кузатса бўлади. Уни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин, — дейди институт илмий ходими Маҳаммад Эшматов. Ойнинг сояга кира бошлаши кечаси соат 3-у 21 минутда бошланади ва соат 5 у 09 минутда тўлиқ тутилади. Эрталаб соат олтида эса Ой соядан чиқиб кетади.

Ҳозир Ой тўлишган пайт. Бир неча йилда бир содир бўладиган бу само ҳодисаси фалакшуносларимизга Кўёш ва Ой ҳаракати билан боғлиқ кўп нарсаларни аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон транспорт прокуратураси жамоаси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Шавкат Раҳмонқулович Умировга отаси

Раҳмонқул УМИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумки:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Шекафонлар:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги факт ҳамда далилларнинг тўғриси учун муаллифлар, редактор ва эълон берувчилар масъуладир.
Фойдаланилмаган мақолаларга эътибор қайтарилмайди.